



20 20 у « 22» октябрь

№ Қ-589

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

Узун тумани “Туркистон-Файзобод” массиви худудидан “GRAND FAYZ OMAD” МЧЖга мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ижарага бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/714-сон йиғилиш баёни ва Узун туман ҳокимининг 2020 йил 24 августдаги 01-05/287-сон хатини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/714-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани “Туркистон-Файзобод” массиви худудидан “GRAND FAYZ OMAD” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 210-дала контуридаги жами 28,5 гектар, шундан 23,3 гектар бўз ер, 2,8 гектар лалми ер ва 2,4 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида (49 йил муддатга) ижарага бериш тўғрисидаги Узун тумани ҳокимининг 2020 йил 18 июндаги Қ-545-сонли қарори тасдиқлансин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов